

## ЎХХГА ЯНА БИР ТАШКИЛОТ ҚЎШИЛДИ



2005 йилнинг 1 май куни Сурхондарё вилояти Бойсун туманида “ОЗОД ФУҚАРО” мустақил нодавлат нотижорат ташкилоти тузилган эди. Унинг раҳбари эса, Фахриддин Тиллаев Хабибуллаевич сайланган эди. Бу ташкилот ўз фаолияти давомида асосан, Сурхондарё вилоятида яшовчи фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилган.

Суд процессларида ишончли вакил сифатида қатнашган. Сурхондарё вилоятидаги фуқароларнинг Россия давлатида турли-ҳил ўлим билан вафот

этганлиги тўғрисида маълумотлар йиққан ва улар ҳақида пресс-релизлар чиқарган. Диний қарашлари билан қамалган фуқароларни эса, ҳимоя қилган...

Бу ташкилот эндиги фаолиятини Тошкент шаҳрида олиб боради. Бундан кейин, ўз фаолияти давомида асосан, Ўзбекистон Республикасида яшовчи “Фуқаролиги бўлмаган шахслар”ни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади. Уларга яқиндан турруб маслаҳатлар беради. Уларга фуқаролигини олишлари учун, яқиндан ёрдам кўрсатади...

Куни кеча яъни ташкилот аъзоларининг талаб ва тақлифларига кўра, 2012 йилнинг 20 декабрь кунидан бошлаб, “ОЗОД ФУҚАРО” мустақил нодавлат нотижорат ташкилоти, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) га аъзо бўлиб кирди ва ташкилот номидан ёзилган ариза, ЎХХнинг раҳбариятига юборилди. Бу ҳақида ташкилот ўзининг тегишли қарорини қабул қилди.

**“ОЗОД ФУҚАРО”  
мустақил нодавлат нотижорат ташкилоти маъмурияти**

## ТОШКЕНТДА ЯНГИ ЙИЛ ОЛДИДАН “ТОЗАЛАШ ОПЕРАЦИЯСИ”

2013 йил “янги йил” кириш муносабати билан, Тошкент шаҳрида “Тозалаш операцияси” ўтказилмоқда.

Тошкент кўчаларида фуқароларнинг келиб-кетишлари қаттиқ назорат остига олинган. ИИБ ходимлари Тошкент шаҳрига келган фуқароларнинг шахсларини аниқлаб, “Фуқаролик паспорт”ларидан “ксерокопия” олишиб, жойлардаги участка бўлимларига олиб кетишмоқда. Тошкент шаҳрига “нима мақсадда келганлиги” суриштирилмоқда.

Бундан ташқари, ИИБнинг ходимлари Тошкент шаҳрининг метро ва шунга ўхшаш “объект”ларни қаттиқ назорат остига олинган.

Автобус ва бошқа бекатларда узоқ туриб қолган фуқаролар ИИБ



ходимлари томонидан “гумон” остида “шубҳа уйғотмоқда” деган “ақида”га амал қилишмоқдаларда, фуқароларнинг чўнтаклари текширилиб, “қаерга кетяпсиз?” деган саволлар билан тутишиб, уларни ҳам, участка бўлимларга олиб кетишмоқдалар.

**«Эркин Юрт» мухбири**

## ОДИЛ-БОЙ ЯНА УЙ ҲИБСИГА ОЛИНДИ

Онасининг вафоти муносабати билан яқинда уй қамоғидан вақтинча муддатга чиқарилган тошкентлик йирик тадбиркор Миродил Жалолов Янги йил арафасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан яна уй Ҳибсига олинди.  
(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЛИК МОДДАЛАР ЁКИ “ЗАПРЕТ”ЛАР МАМЛАКАТИ

*Ассалому алайкум «хурматли» Президентимиз “Ислом ота”!* Сизга ота, деб мурожаат қилганимга ҳайрон қолманг, менинг тенгдошларим Сизни Ислом ота, деб катта бўлганми. Сўзимнинг бошида сизга хат ёзишимнинг сабабини айтмай. Биз “Одноклассники” сайтига кириб турамиз.  
(Давоми 2-саҳифада)

## И.КАРИМОВНИ СУДГА БЕРГАН ФУҚАРО ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Қашқадарё вилоятида яна бир ҳуқуқбон Ҳибсга олинган. Бундан бир ойча илгари Ҳибсга олинган Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшаб келган Чўян Маматқулов 2005 йилнинг бошида Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти (ЎИХЖ) аъзоси бўлганда ва Жамият ҳаётида етарли даражада фаоллик кўрсата олмай қолганлигига узрли сабаблар ҳам бор.  
(Давоми 3-саҳифада)

## МИЛИЦИЯ МАРДИКОР АЁЛГА ПИЧОҚ КЎТАРДИ

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани “Феруза” мавзесида қарашли мардикорлар бозорида тирикчилик илинжида келган бир гуруҳ аёллар ўртасидан Ойдина исмли аёл бизга ўз бошидан ўтган воқеа-ҳодисалари юзасидан мурожаат қилди.  
(Давоми 3-саҳифада)

## ГУЛНОРА ОТАСИДАН ТАХТНИ БЎШАТИШНИ ТАЛАБ ҚИЛГАН(МИ)?

22 декабр куни, номи Европада номи чиққан коррупция жиноятларига алоқадорлиги тобора маълум бўлиб бораётган Гулнора Каримова Тошкентда ўзининг яна бир ҳашамдор тадбирини ўтказди. М&ТВА тақдирот маросими деб номланган бу тадбирда, мусиқа, телевидение, кино ва видеоарт бўйича тилга тушган санъаткорлар мукофотланди.  
(Давоми 4-саҳифада)



Онасининг вафоти муносабати билан яқинда уй қамоғидан вақтинча муддатга чиқарилган тошкентлик йи-

доимий яшаш жойига, яъни пропискага олинган манзилда сақланиши керак. Аммо Миродил Жалоловни ҳукумат атайлаб Тошкентдан узоқ тоғли дала ҳовлисида сақламоқда. Ўзбекистон президентининг девонидаги манбалардан бирининг айтишича, “Одил-бойга

айтишича, Гулнора Каримова айёр отасининг изидан бориб, ўз рақиблари ва душманларига, итоатсиз ва таниқли одамларга нисбатан режимнинг “синдириш” ва “унуттириш” тактикаларини қўллаётгани, “опа”нинг ўз отасидан қолишмайдиган зolim ва маккор сиёсатчи бўлиб етишганидан далолат беради.

## ОДИЛ-БОЙ ЯНА УЙ ҲИБСИГА ОЛИНДИ

рик тадбиркор Миродил Жалолов Янги йил арафасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан яна уй ҳибсига олинди. Аҳоли орасида ўзининг сахийлиги, мардлиги ва одиллиги билан танилган Одил-бой ўзининг доимий яшаш жойи – Тошкент шаҳрида эмас, балки Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги дала ҳовлисида ҳибсда сақланмоқда.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, уй ҳибсидаги шахс ўзининг

қарши бундай усул “опа”нинг (Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова-нинг) шахсий топшириғига кўра қўлланмоқда”.

“Бу йўлдан кўзланган асосий мақсадлар – итоатсиз тадбиркорни руҳан батамом синдириб, “опа”нинг олдида тиз чўктириш, халқдан ва пойтахт бизнес элитасидан изоляция қилиб, аҳолининг ёдидан чиқариш”, дейди девондаги манба. Унинг

Миродил Жалолов онасининг маракаларида иштирок этган пайтларда ҳам мазлум тадбиркор ИИБ ва МХХдан бириктирилган қўриқчиларнинг назоратида ушлаб турилган. Ҳатто қабристондаги дафн пайти ҳам қўриқчилар тадбиркор билан “елкама-елка” туриб, “хизмат” қилишган. Эндиликда эса, Одил-бой “юрт опа”сининг шахсий топшириғига кўра яна “дача”сига олиб кетилган.

ЎХХ хабар маркази

## ЎЛИК МОДДАЛАР ЁКИ “ЗАПРЕТ”ЛАР МАМЛАКАТИ

*Ассалому алайкум «хурматли» Президентимиз “Ислом ота”!*

Сизга ота, деб мурожаат қилганимга ҳайрон қолманг, менинг тенгдошларим Сизни Ислом ота, деб катта бўлганмиз.

Сўзимнинг бошида сизга хат ёзишимнинг сабабини айтай. Биз “Одноклассники” сайтга кириб турамыз. Шу ерда сиз йўлини ёпиб қўйган интернет сайтлари ва электрон газеталарга (турли проксилар орқали) киришнинг йўлини ҳам билиб олдик. Нима учун эркин мағбуотга йўл қўймаслигини ҳам тушуниб етдик. Биз авваллари сизни ҳақлисиз деб ўйлардик. Бизни терроризм, ҳар хил оқимлардан ҳимоя қилиш учун бизга “дунёни запрет” қилдириб қўйибсиз, деб ишонардик. Афсус, сиз фуқароларингизни аклий қашшоқлаштириш учун шундай йўлни танлаган экансиз. Ҳозир бизда аклий қашшоқлик моддий қашшоқликдан ҳам ёмонроқдир. Бу эса сизнинг халқингизни алдамоғингизни янада осонлаштирмоқда.

Мақолалардаги сизнинг номингиз ёнидаги “Масхарабоз”, “Лўтгибоз”, “Диктатор”, “сиёсий фоҳиш” каби ҳар хил кўшимчаларни ўқиганда, аввало роса уялдик. Ахир биз сизни “маънавий ота”миз деб ишонар эдик-да.



Ўзбекистон конституциясининг 45-моддасида “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, дейилган экан. Қани, ўзингиз айтинг-чи, бизда вояга етиш 12 ёшданми ёки 18 ёшданми? Агар 18 ёшдан бўладиган бўлса, 3-, 4- синфдан бошлаб пахтада, далада ишлайдиган болаларнинг ҳуқуқини ким ҳимоя қилади?

Қишлоқ болалари ўн ёшидан бошлаб ота-оналари билан далада, катталар қатори меҳнатга солинади. Сиз пахта даласини ҳеч кўрганмисиз? Болалар эгатда эмак-лаб юриб ёввойи ўтларни юлишади. Ёмғир ёғиб ер қотиб қолса, яна эмак-лаб юриб қатқалоқ юмшатади. Қишлоқ болалари ўқиш ўқимайди. Илм-фан ҳақида баҳс-мунозаралар қилмайди, миясини чархламайди. Даладан сулайиб қайтган болалар оёқ-қўлини ювишга ҳам ярамай қотиб ухлайди. Улар учун ҳеч бир фаннинг кизиғи йўқ. Биз

россиялик болаларнинг билим мусобақаларини кўриб ўзимиз билан солиштиришга уяламиз.

Агар билсангиз, сиз ҳар куни фахрланиб гапирадиган қишлоқ коллежларингиз россияликлар учун арзон-гаров гастербайтерларни етказиб бермоқда. Такрор айтаман, ҳозирги қишлоқ коллежларингиз Россия учун тайёр кулларни етказиб бермоқда! Сиз бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдингизми, жаноб президент бобомиз? Сиз севиб такрорлайдиган “Келажаги буюк Ўзбекистон”нинг эгалари шу ёшлар эканига ўзингиз ишонасизми, ёки ёшингиз ўтиб хом хаёл (узр) бўлиб қолдингизми? Ёки қизингиз Гулнора хонимнинг камолотчилар билан ўтказаетган кўзбўямачи тадбирларига ишонасизми? Агар у хоним ҳақиқатан ҳам ёшларнинг камолоти ҳақида қайғурса, ишни қоронғу, совуқ, зимистон қишлоқлардан бошлаган бўларди. У ҳам сизнинг қизингиз-да, қандай қилиб ўзбекнинг боласига раҳми келсин?

Хуллас, Конституциядан вояга етмаганларни оғир меҳнатдан ҳимоя қилишга кучи етмайдиган ўша 45-моддани, интернет сайтларига қўйдирган “запрет”ларингизни олдириб ташласангиз, бир тўғри иш қилган бўлардингиз.

Адолат Нур

Қашқадарё вилоятида яна бир ҳуқуқбон ҳибсга олинган. Бундан бир ойча илгари ҳибсга олинган Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшаб келган Чўян Маматқулов 2005 йилнинг бошида Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти (ЎИХЖ) аъзоси бўлган ва Жамият ҳаётида етарли даражада фаоллик кўрсата ол-

ри судига арз қилиб, президентни судда жавобгар қилишга урингани ортидан, таъкиблар остида қолганди. Контракт асосида ҳарбий хизмат ўтаётган Чўян Маматқулов 2000 йилда хизматдан қувилган ва ўзининг ноҳақдан ноҳақ хизматдан ҳайдалганига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Қўмондонлигининг

дан маълум эди. Яъни, Ўзбекистонда судьяларни Ислоҳ Каримов ишга тайинлайди ва Ислоҳ Каримов истаган вақтида уларни вазифасидан озод этади. Мамлакатда суд ҳокимияти ижроия ҳокимиятига бўйинсунган ҳолда фаолият олиб боради.

Кейинчалик Чўян Маматқулов ўзига ўхшаб ҳақсизликка учраган ин-

## И.КАРИМОВНИ СУДГА БЕРГАН ФУҚАРО ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

май қолганлигига узрли сабаблар ҳам бор. Янги ҳибс этилган ҳуқуқбонга тергов органлари анчадан бери қўлланилмай келинаётган усулни қўллашганлиги айтилмоқда. Яъни уни гиёҳванд модда сақлаганликда айблашган. Шу билан бирга Чўян Маматқуловнинг Матиз русумидаги шахсий автомашинаси ҳам давлат фойдасига мусодара этилган. Ҳозирча бор маълумот шу. Суд ҳукми ўқилган, ёки ўқилмагани ҳақида ҳам маълумот йўқ.

2004 йил охири ва 2005 йил бошида Чўян Маматқулов Ўзбекистонда кўпчилик ҳуқуқбонлар ва сиёсий муҳолифат фаолларининг оғзига тушганди. У Ўзбекистон Президентни Ислоҳ Каримовнинг устидан Тошкент шаҳар Фуқаролик ишла-

Бош Қўмондони ҳам бўлган Ислоҳ Каримовни айбдор деб кўрсата олганди (<http://iwpr.net/>)

Унинг бу ҳаракати ўша даврда Ўзбекистонда расман фаолият олиб борган “Америка Овози” ва “Озодлик” радиосининг ҳам диққатига тушди. Ҳуқуқбон Тошкентда Freedom House идорасида ўзининг матбуот конференциясини ҳам ўтказиб, унда ошқора тарзда Ислоҳ Каримов Ўзбекистон қонунларини ҳурмат қилса, судга келишга даъват эта олди. Унинг ЎИХЖ га аъзо бўлиш учун берган аризасини ташкилотнинг ўша дамдаги раиси бўлган Толиб ака Ёқубов қабул қилган.

Албатта Ч.Маматқуловнинг Ислоҳ Каримовни судга бериш ҳаракати натижаси нолга тенг бўлиши олдин-

сонларни жамоат-ҳимоячи сифатида суд ва тергов органларида ҳимоя қилиб келди. Ўзи қишлоқ жойда яшаётгани сабаб, асосан қишлоқ – фермер хўжаликлари унинг диққат марказида бўлди. Бироқ ҳуқуқбон Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти маркази билан алоқада бўла олмади. 2005 йилнинг 13 май кунинда Андижонда содир этилган қирғин ортидан кўплаб ҳуқуқбонлар, сиёсий муҳолифат партиялари вакиллари, ҳамда мустақил журналистлар ватани тарк этишга мажбур бўлгандилар.

Табиийки, Қашқадарё вилоятининг Косон туманида бундан бир ойча муқаддам Чўян Маматқуловнинг ҳибсга олинганлиги хабари бизгача энди етиб келди.

**Тўлқин Қораев**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани “Феруза” мавзесига қарашли мардикорлар бозорида тирикчилик илинжида келган бир гуруҳ аёллар ўртасидан Ойдина исмли аёл бизга ўз бошидан ўтган воқеа-ҳодисалари юзасидан мурожаат қилди.

Бир неча йилдан буён, уй-жойсиз, кўча ва мачитларда ётиб, бир нафар фарзанди билан сарсон-саргардонликда умр

## МИЛИЦИЯ МАРДИКОР АЁЛГА ПИЧОҚ КЎТАРДИ

ўтказаетган бу аёл Мардикор бозоридан топгани ҳисобидан кун кўраётганлигини сўзлаб берди: “Менинг турмуш ўртоғим 1994 йили ўзининг автомашинаси билан бир фуқарони уриб ўлдирди. Шунда эрим менга, дод-фарёд қилиб, “мени қамоқдан қутқаришнинг бирдан-бир йўли, уй-жой ҳовли участкаларни сотгин.

Мен қамоқдан чиқсам, бошқа уй сотиб оламиз...” деганидан сўнг, мен ҳовли участкамизни сотдим. Эримни қамоқдан чиқариб олиш учун, ИИБ ва Прокуратура органларига пора бердим. Эрим ҳибсдан чиққанидан сўнг, бошқа аёл билан бўлиб кетди. Мен эса, бир нафар фарзандим би-

лан кўчага қолиб кетдим. Мени сўрайдиган маҳалла, ота-она, опа-сингил, қон-қариндошлар топилмади. Шундай қилиб, охири эримни судга беришга аҳд қилдим. Аммо... Эрим, “судга бориб “заявка”ни олмасанг, болангни ўлдираман” деб ўғлимни “залог”га олди.

Мен кўрққанимдан бориб, суддан даъво-аризамни қайтариб олдим. Шу ернинг ўзиде ме-

нинг фуқаролик паспортимни ва ўғлимнинг “Гувоҳнома”сини тортиб олди. Шундан сўнг, турмуш ўртоғим мени ИИБга бир нафар фарзандим учун, “алимент” ололмай юрганлигим ҳақида шикоят-ариза билан мурожаат қилиб юрганимни кўриб, менга нисбатан “заказное убийство” уюштириб, одамлар йўллай бошлади. Кунлардан-бир кун, мен ҳозирги кунда яшаб келаётган ўша маҳалламиздаги таъмир-талаб бўлиб қолган, мачит ичида намоз ўқиб ўтирган эдим, ҳалиги номаълум шахс, пичоқ кўтариб келди-да мен ўлдирмоқчи бўлди.

Лекин... Менинг намоз устида ўтирганлигимни кўриб, “Сизми ўша

Ойдин?” “Мен Охиратдан кўрқаман! Менга Сизни ўлдиргин деб, буйруқ берган эрингиз бўлади. Шунинг учун, мен бу йўлдан қайтаман!” деди-да пичоғини менинг олдим-га кўйиб, ўзи кўчага чиқиб кетди. Шундан сўнг, орадан уч ой ўтиб, эрим яна бир одамни йўллади. У ким десангиз? Милиция бўлимида ишлаб келаётган номард, ноинсоф, ифлосларнинг бири. У мени ўлдирмоқчи бўлиб, тўғри менинг овозимни эшитиб, тез югуруб келди. Ҳалиги жаллоднинг қўлидан пичоғини тортиб олди. У бўлса, бизни икки киши эканлигимизни кўриб, деразадан чиқиб қочиб кетди...

Унинг юзи, кийим-боши ҳозиргача хотирамда сақланиб қолган. Эрим томонидан уюштирилган, “буюртма” пичоқлар “совуқ қурол” сифатида сақлаб қўйибман...

Иншоллоҳ. Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаман-ки, ўша милициядан бир кун эмас, бир кун қасдимни оламан. Бу дунёда бўлмаса ҳам, албатта нариги дунёда...” дейди муштипар мардикор аёл.

**Фахриддин Тиллаев**

22 декабр куни, номи Европа-да номи чиққан коррупция жиноятларига алоқадорлиги тобора маълум бўлиб бораётган Гулнора Каримова Тошкентда ўзининг яна бир ҳашамдор тадбирини ўтказди. M&TVA тақдимот маросими деб номланган бу тадбирда, мусиқа, телевидение, кино ва видеоарт бўйича тилга тушган санъаткорлар мукофотланди. Гулнора Каримовага қарашли бўлган барча ОАВ маросимни кенг ёритди, ва Форум ТВ орқали намойиш ҳам қилинди.

Йўлчиева, таниқли театр режиссери Наби Абдурахмонов ва машҳур телебошловчи Шахноза Ғаниевалардан иборат ҳайъат аъзолари “Иилнинг энг яхши фильми” деган номни бачкана ва енгил-еппи “Менинг дадам бўйдоқ” фильмига лойиқ кўришди.

Ҳамма тик туриб қарсақ чалди ўша куни “Ғолиблар” шарафига. “Ғолиблар” эса, худди Оскар мукофотини олишаётганидай, ясама бир хайрат билан юзларини беркитишиб, (ёки уялганлариданмикин?), қалбаки бир энтикишлар билан

“Куни кеча автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасида машинага бензин қуйиб юрган бола, бугун таниқли кино актери... Ўтган куни эса мен бир жойда... майли қаердалигини айтмай қўяқолай... кўриб қолган қиз, бугун эстрада хонандаси! Яшанглар! Ўзбекистон аҳолиси 30 миллион бўлса, шундан 25 миллиони кўшиқчи бугун. Қолган 5 миллионига жуда ҳам қийин.

Бечоралар! Улар нима билан шуғулланишади дерсиз? Улар ҳаммаси кино ишлашади!” деди Алишер Мадумаров...

## ГУЛНОРА ОТАСИДАН ТАХТНИ БЎШАТИШНИ ТАЛАБ ҚИЛГАН(МИ)?



Етти йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган бу тадбир, диктатор Каримовнинг қизи Гулнора томонидан уюштирилади ва ундаги мукофотлар ҳам “очофат малика”га қарашли жамғарма томонидан таъсис этилади.

Тадбирни интернет орқали томоша қиларканман, қалбимга оғир бир тош чўккандек бўлди. Ўзбек санъати ва маданияти устидан ҳеч қачон бугунгидай кулишмаган эди, ҳеч қачон миллий санъатимиз бу қадар топталмаган эди..

“Севги” сўзини “Шевги” дея қуйлайдиган аёл, 2012 йилнинг энг яхши аёл хонандаси бўлди куни кеча...

Ўзбек санъатига зид бўлган бир йўналишда “гапириб” қуйлайдиган бир йигитча эса “Иилнинг энг яхши эркак хонандаси” эмиш...

Бир қанча халқро кинотанловларда нуфузли хайъат назарига тушган ўзбекларнинг “Паризод” фильмини биров эсламади бу “костюмлар ва ялтироқ башаралар” маросимида. Чунки, Гулнора Каримова, Юлдуз Усмонова, Муножот

“Энг, Энг, Энг...”ларнинг қаторига кўшилдилар..

Мени хайрон қолдирган яна бир жиҳат шу бўлдики, тадбирни тасвирга олаётган видео ва фото тасвирчилар, маросим бошидан охиригача Гулнора атрофида гирдикапалак бўлишди. Зар ва тиллага бурканган “очофат малика”нинг ҳар турли кўринишлари ўша захотиёқ пешма-пеш интернет саҳифаларида кўриниб турди.

Жаҳон микёсида пул ювиш, кўп миқдорда пора олиш каби айбловларга нишон бўлиб, ҳозирда мамлакатдан чиқа олмаётган малика, шу тариқа ҳаммага: “Мана кўринглар, мен эмин эркин юрибман, менга жин ҳам ургани йўқ!” деётганига ўхшади назаримда.

Швейцариядаги банкларнинг биридаги Гулноранинг музлатиб қўйилган ва келиб чиқиши ноъмалум бўлган ҳадсиз бойликларга алоқадор шахслардан бири Рустам Мадумаровнинг туғилган укаси Алишер Мадумаров эса ушбу тақдимот маросимининг сўнгига қадар Гулнора Каримова билан ёнма-ён ўтирди.

“Рустам жиноятчи эмас, акс ҳолда унинг укаси мен билан бирга ўтирардимиз?” деяптими диктаторнинг қизи?

Яна бир қизиқ ҳолат юз берди Гулноранинг бу маросимида...

Маълумки Гулноранинг “қарамоғи”даги турли кўшиқчилар ва актерларни кўпчилик олдида очиқчасига танқид қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди...

Ўша маросимда эса, Алишер Мадумаров саҳнага чиқиб, бугунги ўзбек кўшиқчилари ва актерлари устидан бемалол кулди.

“Хозиргина Тошкентдаги 6 сонли туғруқхонадан хабар келди: Ўзбекистонда 30 миллионли чақалоқ туғилибди. Лекин, таниш ақушеркаларни айтишларича, бу чақалоқ дунёга келган заҳоти “Небо молчит” кўшиғини қуйлабди! Демак, узоққа боради!” деди у масхараомуз оҳангда.

“M&TVA мукофотига лойиқ кўрилган композиторлар рўйхатини кўриб, йиғлагим келди” деди яна собиқ “ДАДО” гуруҳи солисти ва Гулноранинг фаворити...

Буниси ҳам майли...

Тақдимот маросимида ҳаммани кўрқитган бир ҳолат юз берди! Гулнора саҳнага чиқди ва “Сочларимни майда ўринг отажон, Истасангиз минг ўғилнинг ўрнини босай” дея қуйлаб юборди!

*Истасангиз минг ўғилнинг  
ўрнин босай,  
Бир лаҳзалик шодлигизга  
жоним осай.  
Кечирдингиз ҳатто ота  
гуноҳ қилсак,  
Бахтимизга доимо  
соғ бўлинг, отам...*

дея қуйлади диктатор Ислом Каримовнинг қизи Гулнора...

Бу кўшиқ нимага ишора? «Сизга енгил бўлсин деб, ҳаттоки президентлик юкини елкамга ортишга тайёрман, ота» деганимикин?

Яқиндагина, «Мияси ишлайдиган ва амбицияга эга ҳар бир одам президент бўла олади» дея интервьулар берган Гулнора Каримова, отасининг ўрнини олишга астойдил ҳаракатни бошлаган кўринади.

Акс ҳолда унинг эски-тускилари ва ундан ортган суяклар билан кун кўрувчи бир сиқим «журналистлар», «актерлар» ва «кўшиқчилар» халқро жиноятчи деган ёрлиқ эгаси бўлишига бир қадам қолган Гулнора Каримова билан ҳамкорлик қилишмаган бўлар эди.

Бироқ, пихини ёрган диктатор Ислом Каримов ҳокимиятни қаттиқ севади ва уни бегона тугул, ҳаттоки ўз фарзандига ҳам бермоқчи эмасга ҳам ўхшайди.

Акс ҳолда Гулнора ўз ниятларини отасига кўшиқ сифатида билдириб, ҳамманинг олдида томоша ҳам кўрсатиб ўтирмасди.

## ОИЛА ҚУРИШДАН НАФРАТЛАНАМАН

Менинг ёшим 27 да. Айни кунларда мен ҳам “Зулфияхоним номидаги Давлат мукофоти”нинг лауреатлари қаторида бўлишим керак эди, лекин мен эгри йўлдан юришни хоҳламадим.

Менинг сиёсатга бўлган қизиқишим, айни мана шу мукофотга тавсия қилиниб, аро йўлда “қолиб кетган” кунимдан бошланган. Мавзудан чалғиб кетмаслигим учун мукофотга доир порахўрликлар, маънавий қашшоқликлар ҳақида батафсил ёзиб ўтирмайман. Фақат битта тақлимим бор, шуни айтиб ўтмоқчиман. Хурматли (мархума) шоирамиз Зулфияхонимнинг руҳи шод бўлиши, қизларимизнинг ҳар қандай шон-шухратга тўғрилиқ билан эришиши учун мукофотнинг таркибини қайта кўриб чиқиш (унинг имтиёзларини бекор қилиш) шарт деб ҳисоблайман.

Шахсингизга ишонч билан улғайган болалик ва ўсмирлик йилларим ҳурмати (бугунда ишончим парча-парча бўлган бўлса ҳам) Сизга мактуб ёзишга қарор қилдим. Мен кўпинча техника янгиликларига, дунёдаги буюк аёллар ҳаётига қизиқардим, ҳозир ҳам. Бунга оилада ўтган асрнинг “зарбдорчи”ларидан бўлган бувим, кино ва классик адабиёт, мактабда талабчан устозимиз, тарих ўқитувчимиз сабабчи бўлган. “Спартак”, “Индира Ганди”, “Шерюрак” ва шунга ўхшаган фильмлар Ўзбекистонимиз ва Дунё ҳақидаги фикрларимни улғайтирди. Мен турмуш қуриш, фарзанд кўришни хоҳламай қолдим... Нега? Чунки биз бахтсиз халқ эканмиз. Нима учун менинг оилам, фарзандим ўша бахтсизликнинг давомчилари бўлиши керак?

Ватанимиз бахтли ва эркин бўлмагунча турмуш қурмайман, деб аҳд қилдим. Менинг тенгдошларим бир бурда нон ёки яхши яшаш учун пул топаман, деб дунёнинг турли жойларида ўзларини, кучларини, соғлиқларини, керак бўлса, энг даҳшатлиги миллий ғурурини сотмоқдалар. Нега, нега, нега ахир?

Миллий ғурур оғриғи ҳаммадан ҳам, Ислом ота, Сизга кўпроқ таъсир қилиши керак эди. Ёки Сиз ўз халқингизни ёмон кўрасизми? Наҳотки Сизни ўзбекистонлик кулларнинг тақдири қизиқтирмасе?! Ахир Сиз Президент бўлган кунингиздан бошлаб Ўзбекистон халқига “маънавий ота”ликни зиммангизга олгансиз. Шунинг учун ҳам биз боғча болалари ва мактаб ўқувчиларига Сизни Ислом отамиз, деб ўқитишган.

Бувимдан эшитишимча, бурунги замонларда ор-номусли бойлар ўз маҳалласининг камбағалини кўшни маҳалланинг бойлари ишлатиб ҳақини бермагудек бўлса, бойлар ўртасида низо келиб чиқар экан. Ғурурли бойлар ўз худуди

камбағалларидан вақти-вақти хабар олиб турар эканлар. Бу худди эртакка ўхшайди. Бугунги кунда фуқароларингизнинг чет элларда ҳимоясизлиги, меҳнатига ҳақ ололмадлиги, камситилиш ҳолларига гувоҳ бўлганимизда сиздек президентимиз борлигидан афсусланганмиз.

Аллақачондан сизга ишонмай қўйганмиз. Бу алданиш, ўзимни, қобилиятимни кўрсата олмаслик, кураша олмаслик азоби эканини ҳам биламан. Кимга нима ҳам деб бўлади, бу Ватанда. Тўғри сўз учун эгри йўл билан қамашади, ҳатто ўз уйимда ҳам менга, сиёсатга муносабат билдиришни ман қилишади. “Жим бўл, сен нимани ҳам билардинг, тилингни суғириб олишади, ўзингни Жанна Д Арқдек оловда куйдиришади”, дейишади. Лекин менинг йўлим аниқ.

Мен Ватанимиз табиати, бойликлари ҳақида маълумотлар билан озми-кўпми танишдим. Бизда бор бойликлар дунёнинг неча мамлакатларида йўқ. Шундай бўла туриб, нега биз бу қадар қашшоқликка юз тутдик? Одамларнинг ўзаро суҳбатлари, ўзимнинг кузатишларим, интернетдаги маълумотларга қараганда Мустақиллик бир гала мансабдорлар учун роҳат, фуқаро учун азоб бўлмоқда. Бизнинг ахборот воситаларимизда жиддий мавзулар ёритилмайди. Амалдорларнинг фаолиятлари муҳокама қилинмайди. Россиядаги ўшаб телекўприклар берилмайди, муҳолиф партиялар, иқтисодчилар, илмфан олимлари телевизорга чиқиб, қонунларнинг амал қилишига доир баҳслар ўтказмайдилар? Сиёсий шарҳловчилар йўқ. Сони бор, сифати йўқ ўйинчоқ партияларингиз

халқимизнинг бўйнига осилиб олган бир юк бўлиб, Сизни ким ўзарга мақташ учун тузилганлиги уларнинг юриш-туришидан маълумдир.

Мана, биз интернетга кириб чет эллардаги ўзбек муҳолиф партиялари фаолиятлари билан танишмоқдамиз. Айниқса “Эрк”, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати, “Бирдамлик” халқ демократик партиялари каби бир қанча сиёсий ҳаракатлар фаолиятига қизиқиб қолдик. Агар сиз ўзингизни бизга ўргатганларидек демократ санасангиз, нега ўша партиялар, муҳожир ватандошлар билан халқ кўзи олдида тортишмайсиз? Уларни ҳақ гапни айтганлари учун ватанга сиғдирмагансиз? Халқингизнинг Конституцияда кафолатланган фикр эркинлигини бўғиб қўйгансиз. Халқ билиб айтади, ким сизга ҳақиқатни айтмоқчи бўлса, жонидан умидини узаверсин экан.

Лекин менинг жонимдан умидим бор. Мен тирикчилик учун чет элларда касалликка чалинаётган, миллий ғурури топталаётган ёшларимизнинг қисматида сизни айбдор, деб санганим учун ҳам ушбу хатни ёздим. Биламанки, бундай хатларни сизга етказишмайди. Етказишганида, сиз менинг бешта хатимдан ҳеч қурса биттасини олган бўлардингиз. Сизга етадиган хатлар бўлакча – сизга неварга, эварасининг номини Исломбек, Нурислом қўйган кишилар хат ёзишади. Аниқроғи, ҳокимларингиз бундай хатларни ташкил қиладилар ва сиз уларни табриклар совғалар юборасиз...

Қисқаси, ёлғон билан ўтаётган ҳаётингиздан бир кун келиб виждонингиз қийналиши аниқ. Ана ўшанда ўзингизни қандай овитар экансиз? Балки бойликларингиз ёрдам берар? Биз ўша кунларнинг тезроқ келишини жуда-жуда истаймиз...

Адолат НУР.

## НЕГА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР БОШ ВАЗИРНИ МИРЗИЁНОВ ДЕБ АТАШАДИ?

Мирзиёнов. Ўзаро суҳбатларда ўзбекистонликлар республика Бош вазири Шавкат Мирзиёевни шундай деб аташади. Ўзбеклар Бош вазирининг фамилиясини унинг қўлотидаги ходимларни сўкиши ва дўппослаши учунгина эмас, балки мамлакат иқтисодиётига келтирётган улкан зарари учун ҳам шундай аташади. Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев мамлакатга қандай зиён келтирмоқда?

### Зиён келтирувчи мулозим

Президент Каримовнинг қўлотидаги ходимларни дўппослаш, меҳнат шароитларини оғирлаштириш ва эркинликларни камайтириб бориш тамойиллари бўйича иш юритадиган Шавкат Мирзиёев ҳозирги Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп зарар келтирувчи мулозим ҳисобланади.

Ҳукумат раҳбари сифатида у Ислом Ка-

римов томонидан илгари сурилган “иқтисо-дий ривожланишнинг ўзбек модели” ҳақидаги ғояларнинг амалиётга киритувчи шахс бўлиб етишди.

Моҳияти иқтисодиётнинг бозор механизми асосида ривожланишини инкор этиш ва халқ хўжалигига маъмурий буйруқбозлик усулида аралашидан иборат ушбу ғояларни амалда қўллаш бўйича Шавкат Мирзиёевга етадиган мулозим бўлмаса керак Ўзбекистонда.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар кузда ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари мактабда дарс ўтиш ўрнига далаларда пахта теришади.

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мактаб ва коллежларнинг ўқитувчилари эса ўзларининг асосий ишлари – ўқитувчилик қолиб, ўқув муассасаларини куриш ва худудларни ободонлаштириш ишларида иштирок этишади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда банк ходимлари банк операцияларини амалга ошириш ўрнига фуқаролардан коммунал (газ, электр, сув, истиш ва ҳоказолар учун) тўловларни ундириш билан шугулланиши ҳам ҳеч кимни ҳайрон қолдирмас керак.

## НЕГА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР БОШ ВАЗИРНИ МИРЗИЁНОВ ДЕБ АТАШАДИ?

Ушбу “ажойиботлар”нинг муаллифи Бош вазир Шавкат Мирзиёев бўлиб, у ёки бу “кечиштириб бўлмас вазифа учун иктисодиётнинг бошқа соҳалари вакиллари жалб қилиш ҳақида” ҳар куни сон-мингта топшириқ ва кўрсатмалар беради.

Бюджет ташкилотлари ишчиларининг маошларидан коммунал тўловлар учун мажбурий тарзда пул ундирилиши, бутун Ўзбекистон бўйлаб галма-галига электр узиб қўйилиши, ривожланиб бораётган ўзбек компанияларини режадан ташқари равишда текширишлар ва бозор иктисодиёти тушунчалари ҳамда қондаларига зид бошқа ишларнинг аксарияти Ўзбекистон Бош вазирининг “ноу хау” сидир.

Мирзиёевнинг бундай “ихтиролари”дан нафақат мамлакат иктисодиёти, балки таълим соҳаси ҳам зарар кўрмоқда. Масалан, олий ўқув юртларига ректорларни тайинлаш ва олий таълим соҳасининг умумий назорат қилиш ваколатларини олгач, Шавкат Мирзиёев махсус қарор қабул қилиб, ўқитувчиларнинг ишлаш шароитларини оғирлаштирди, шартнома асосида таълим олаётган талабаларга эса фақат дарсларга қатнашганлик учун юқори баллар ва имтиҳон баҳоларини олиш имконини яратди.

Мирзиёевнинг ушбу “ташаббуси” бугунги кунда ўз меваларини бермоқда: Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида шартнома асосида таълим олаётган баъзи талабалар дарсларга фақат уяли телефонлари билан кела бошлашди, ўқитувчиларга нисбатан ўзларини киролдек тутиб, улардан талабчанларини устидан юқори идораларга шикоят қилиш билан кўркитишга ўтиб кетишди. Олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва раҳбарлари билан тортишувларда бундай талабалар Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “важ”ни келтириб, “Биз институтингизнинг ғазнасини тўлдиряпмиз”, – дейишади.

Шунинг учун ҳам “Мижоз доим ҳақ” деган ибора Ўзбекистон олий ўқув юртларида сал бошқачароқ тарзда – “Талаба доим ҳақ” деб айтиладиган бўлиб қолган. Бунинг натижасида эса малакали ва ҳалол ўқитувчилардан аксарияти ишдан бўшашга мажбур бўлиб, ўз ўринларини малакасиҙроқ, аммо эгилувчанроқ ва итотлироқ ҳамкасбларига қолдириб кетмоқдалар.

Бир пайтлар олий ўқув юртида ўқитувчи ва ректор вазифасида ишлаган Шавкат Мирзиёев олий таълим соҳасидаги мутахассислардан қаттиқ ҳафа бўлган кўринади. Акс ҳолда у олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг меҳнат шароитларини оғирлаштириб, уларни талабалар олдидаги ҳимоясиз ва бечора одамларга айлантириб қўярмиди?! Шавкат Мирзиёевда ўқитувчиларга нисбатан ҳайвоний бир нафрат борлигига қуйидаги воқеа ҳам исбот бўла олади.

### Жоҳил Бош вазир, “боксчи” Бош вазир...

Ўзбекистон Бош вазири патологик муштумзўр эканини кўпчилик билади. Масалан, Жиззах вилояти ҳокими бўлиб ишлаган кезларда Шавкат Мирзиёев ўз қўлостидаги ходимларни мунтазаб дўппослаганини, совук кунларда фермерларни ҳокимият ҳовузидаги сувда туриб, ҳашак чайнашга мажбур қилганини фақат санокли одамлар билмас керак.

Ўзбек миллатига нисбатан ҳайвоний бир адоват туйғуси билан яшаётган Шавкат Мирзиёев охириги пайтларда хотин-қизларни ҳам дўппослай бошлади. Мисол учун, 2012 йил май ойида Ўзбекистоннинг “боксчи” Бош вазири Тошкент шаҳридаги 53-сонли мактабга ташриф буюриб, ушбу мактаб директори Норбуви Шамсутдиновна Иристовани калтақлади.

Пойтахтнинг Ҳамза туманида жойлашган ушбу мактабга тўсатдан келган Шавкат Мирзиёев ўқув муассасасининг худудида ён атрофдаги маҳаллада яшовчи фуқароларнинг қўйлари ўтлаб юрганини кўриб қолади ва “Мактаб директори қўйларни атайлаб мактаб ҳовлисида боқяпти”, – деган хулосага келади. Бу манзарадан ва ўзининг хулосасидан ғазабга келган “боксчи” Бош вазир мактаб директори Норбуви Иристованинг кабинетига отилиб кириб, 60 яшар аёлнинг юзига ҳе йўқ, бе йўқ зарба тушириб, нокаут қилади. Қўшимчасига эса, хумордан чиқиш мақсадида Ўзбекистон Бош вазири ерга йиқилган кекса аёлни тепкилайди ҳам.

Ушбу воқеадан сўнг Норбуви Иристова Бош вазирдан олган шикастларини узоқ муддат даволатиб, ўз истагига кўра ишдан кетган. Афсуски, кекса педагогнинг мактабдаги охириги иш куни шундай аянчли тарзда яқун топган.

Бироқ Шавкат Мирзиёевнинг ўзи ҳам вақти вақти билан худди шундай ахволга тушиб туради. У ҳам калтак еб туради. Ислоҳ Каримовнинг ўзидан еб туради.

### “Боксчи” Бош вазир бокс халтаси ролида

Шавкат Мирзиёев охириги марта мамлакат президентининг кабинетида жорий йилнинг кузида калтақланганди. Ушанда Ўзбекистон Бош вазири Тошкентдаги “Бунёдкор” спорткомплексининг очи-

лиши билан боғлиқ тантанали тадбирларнинг хом сценарийсини олиб кириб, президентнинг ғазабига дучор бўлганди.

Гап шундаки, Ўзбекистон ҳукумати республика Футбол федерацияси билан биргаликда режа тузиб, спорткомплекс очилиши муносабати билан ўзбек футболнинг 100 йиллик юбилейига оид тантаналарни ҳам ўтказишни ният қилганди. Бироқ Ислоҳ Каримов мазкур юбилей ҳақида фақат янги стадионнинг очилиши билан боғлиқ тадбирларнинг сценарийсидан хабар топган.

Дарғазаб диктатор юбилей тантаналарини “Бунёдкор” спорткомплексининг очилиши билан боғлиқ тадбирлар дастуридан олиб ташлашни, “Ўзбек футболга 100 йил” сўзларини ҳеч қаерда ва ҳеч қачон ишлатмасликни, “Ўзбек футболнинг эмас, совет футболнинг ривожига ҳисса қўшган фахрийлар”ни “Бунёдкор” стадионининг очилишига бағишланган тадбирга киритмасликни талаб қилган.

Ва ниҳоят, сўкиш ва ҳақоратларга бой бўлган “суҳбат” сўнггида президент Ислоҳ Каримовга тегишли ғазаб “машинаси”нинг тормозлари ҳар галгидек ишламай қолиб, “юрт-боши” Бош вазир Шавкат Мирзиёевни ва Футбол федерацияси раҳбари Мираброр Усмоновни хумордан чиққунча калтақлаган.

### Бошқа мулозимлар учун андоза

Шавкат Мирзиёев президент Ислоҳ Каримовнинг орзусидаги стандартларга жавоб берадиган мулозимдир. Диктатор Каримов Ўзбекистондаги барча раҳбар ходимлар мамлакат Бош вазирдан ўрнак олишини истади.

Ҳа, ҳа! Ўзбекистон президенти мамлакатни минглаб мирзиёевлар бошқаришини, бундай жоҳил мулозимлар ўзбек халқини итотли қўйлар ўрнида кўришини, ҳар бир вилоят, туман, завод, цех ва илмий лабораторияда кичик шавкатлардан ташқил топган муштумзўрлар армияси ишлашини орзу қилади. “Шундай бўлса, ўзим ҳам, ҳокимиятим ҳам тинч бўлади”, – деб ўйлади Ислоҳ Каримов.

Бироқ бундай андозадаги амалдорлар, сон-мингта мирзиёевлар бир-галлашиб алал оқибат нафақат мамлакат иктисодиётига, балки Каримов ҳукуматининг ўзига ҳам зарар келтириши президентнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Чунки ҳар қандай кичик ёки катта норозилик мамлакат марказида бўлсин ёки худудларида бўлсин оқибат давлат раҳбарига бориб такалади. Халқ минглаб мирзиёевлардан келадиган офатларнинг сабабчиси сифатида ўша мирзиёевларнинг ўзларини эмас, балки шундай кадрларни “етиштириб”, жойларга қўйган президентни айблашади.

Бироқ бу фикр диктатор ва мустабидларнинг ҳаёлига келмайди. Бу эса ҳаммани алдаш ниятида бўлган Ислоҳ Каримов тоифасидаги маккорларга Тангри томонидан юборилган ҳийла ва макрдири.

Абдурахмон САИДОВ

Маълумки табибларнинг ҳатто-си бир онда, ўқитувчиларнинг ҳатто-си эса вақт ўтиши билан ўртага чиқади. Яъни, ўқитувчилик касби ва ўқитувчиларнинг роли жамиятда ниҳоятда каттадир. Шунинг учун ҳам инсонлар ўз устозларини ота-оналари каби бўлмаса ҳам уларга яқин даражада ҳурмат қиладилар. Бунинг сабаби ўқитувчилар жамиятнинг илмий ва маънавий ижодкорлари ҳисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚИТУВЧИЛАР ДИКТАТУРА РЕЖИМИНИНГ ҚУЛЛАРИДИР

Мамлакат келажагини белгилайдиган ёшларнинг тафаккури айнан мактабда, яъни ўқитувчилардан ўрганган илмлар туфайли шаклланади.

Шундай экан, бугунги Ўзбекистонда мактаб, лицей ва коллежлардаги ўқитувчиларнинг аҳволи қандай? Улар ўзлари қилаётган ишлардан мамнунларми? Уларнинг ижтимоий ҳоларидан, яъни жамият ва давлат тарафидан меҳнатларининг кадрланишига қандай қарайдилар?

Ўзбекистондаги режимнинг ғайриинсоний эканлиги мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқатдир. Бугунги Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари паймол қилинаётган, яъни инсон кадрлари ерга урилаётган энг қолоқ давлатлардан биридир. Афсуски, диктатура сиёсати ижтимоий ҳаётнинг бутун соҳаларига ўз заҳарини сочган. Бу заҳардан насибини олган ижтимоий гуруҳлардан бири ҳеч шубҳасиз ўқитувчилардир...

Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейин янги давлат тизимини яратиш ва ижтимоий соҳаларни бу тизимга кўра шакллантириш каби муҳим масала ўртага чиққанди. Албатта, бу вазифанинг бажарилиши учун сиёсий истиқрор ва кучли иқтисодий заминга эҳтиёж бор эди.

Шу билан бирга шахс, жамият ва давлат тараққиётининг мафкуравий асослари, ҳар бир соҳа мутахассисларининг бу соҳанинг тараққиётига ҳисса қўшиши учун эркинлик ва адолатга асосланган шарт шароитларни вужудга келтириш муҳим эди. Айнан мана шу нуқталарда Каримов диктатураси фуқароларнинг ва ижтимоий тоифаларнинг бутун умидларини пучга чиқарди. Яъни, сиёсий барқарорликни саклашнинг зўровонлик (авторитар) йўли танланди. Янги жамиятнинг соғлом мафкуравий асосларини яратиш у ёқда турсин, жамиятда бунинг учун лозим бўлган хурфикрлик ва ижод муҳити йўқ қилинди. Натижада таълим тарбия соҳаси “бошсиз” қолди, ўқитувчилар ўқитиш ишидан сунъий равишда узоқлаштирилдилар.

Яъни, ўқитувчилар ўз касбларининг ғоявий асосларини йўқотдилар,

бу эса ўз ўрнида она тили, адабиёт, тарих, жамиятшунослик каби ўқувчиларнинг шахсиятида миллий, маънавий ва ахлоқий хусусиятларнинг шакллантирадиган фанлар моҳиятининг йўқолишига олиб келди. Крилл ҳарфларидан латин алифбосига ўтилиши, бу йўлдаги қарорсизлик эса ўлганни устига чиқиб тепиш натижасини берди.

Каримов диктатурасининг бутун



жамиятга, шу жумладан таълим тизимида берган яна бир зарбаси эски социалистик иқтисод шаклидан янги бозор иқтисодига ўтиш жараёнида ўзига “хос ва мос” сиёсат олиб борганидир. Бу ишда ҳам аниқ сиёсат ўтказилмади, на социалистик иқтисод сиёсати тарк қилинди, на да хусусий мулкчиликка ва эркин иқтисодий муносабатларга асосланган бозор иқтисоди жорий қилинди.

Натижада шундайига ҳам йўлини йўқотган таълим тизими ва унинг ходими бўлган ўқитувчилар мактабларда, лицейларда, коллежларда ва олий таълим даргоҳларида ўз билганича “ўқитувчилик” қила бошладилар. Тўғрироғи ўқитувчилар ўқитувчи бўлишдан чиқишди, таълим даргоҳларида порахўрларга, шахар кўчаларида таксичиларга, шахар бозорларида мардикорларга, пахта далаларида теримчиларга, ўз томорқаларида эса деҳқонларга айландилар. Каримов диктатураси бу шаклда ҳоли вой бўлган ўқитувчилик касбининг кадрини янада кўпроқ ерга уриш учун қўшимча “тадбирларни” ҳам унутмагандир.

Масалан, ўқитувчилар бюджет аҳли эканлиги маълум. Режим уларга ўлмаслик даражасига маош беради, аммо ўқитувчининг маошидан ёқмаган электриниги ва газ учун пул ушлаб қолинади. Маош ҳисобга жўнатиладиган жойларда бечора ўқитувчи маошини ўзи ололмайди, унга маошини олиб берадиганлар эса маошнинг 10-15 % га шерик бўлади. Ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг айтишича уларга энг алам қиладиган

нарса шунча хўрликлардан кейин яна уларга диктатор Каримовнинг маъносиз “асарларини” ўрганишлари ва ўқувчиларга ўргатишга мажбурланишлари дир...

Бугун Ўзбекистонда ўқитувчилар моддий ва маънавий жиҳатдан мана шундай аянчли ҳолдалар. Улардан бир қисми аллақачон бу шарафли касбни тарк этиб, мамлакатимизда ва хориж давлатларда қора ишчиликни танлаганлар. Бошқалари эса чор-ночор номигагина бўлса ҳам ҳар куни мактабларга бориб қайтадилар. Чунки кадрсизланган касбларини хўжақўрсинга давом эттирамасалар, бола чақалари оч қолиши мумкин. Яъни, қуллик занжирини истамасалар ҳам қарангладиб юришга мажбурдилар...

Ўқитувчилар ҳаётида изох қилиб бўлмайдиган ишларга уларнинг шахар кўчаларини тозалаш, қурилиш ишларига мажбурий шаклда жалб қилиш, давлат қуриб бераётган уйлари сотиб олишга мажбурлаш, бу уйлارнинг қурилишида бепул ишлаб бериш каби ҳолларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Жамиятдаги умумий инқироз ва таназзул афсуски ўқитувчиларнинг кундалик ҳаётида ҳам порахўрлик, арокхўрлик ва бошқа маънавийтсизликлар кўринишида акс этгандир.

Бу айтилганлар бугунги Ўзбекистонда инкор қилиб бўлмас ҳақиқатлардир. Бундай инқироз ва жоҳилият манзараси учун ҳеч шубҳасиз унга асос солган Диктатор бош айбдордир. Шу билан бирга жамиятнинг умумий аҳволи учун ҳамма қатори ўқитувчиларнинг ҳам масъулияти бор. Чунки ўқиш, ўқитиш, жоҳилиятга, зулмга, ахлоқсизлик ва маънавийтсизликка қарши чиқиш энг аввало ўқитувчиларнинг вазифасидир.

Бу маънода айниқса ёш ўқитувчилар Ўзбекистоннинг мавжуд режимдан қутулиши учун ўз ҳиссаларини қўшишлари шартдир. Бунинг учун эса ҳар бир ўқитувчи режимнинг зулими ва ҳаётнинг бутун қийинчиликларига қарамасдан аввало ўз шахсида илм, эътиқод, эркинлик, адолат, маърифат, инсон ҳуқуқларига амал қилиш каби шахсни ва жамиятни тараққиётга етаклайдиган хусусиятларга эга бўлиши керак.

Мавжуд шартларда халқимизнинг диктатурадан қутулиши учун барча ўқитувчиларимиздан бундай жасоратли қадам отишларини кутиш балки нотўғридир. Аммо озчилик, айниқса ёш ўқитувчиларнинг, ўзларининг, оилаларининг ва ватанимизнинг келажагани ўйлаган ҳолда, зулм режимга қарши туриш вазифалари эканлигини эса тутишларини истардик.

## НАФСЛАРНИ ЕНГА ОЛАМИЗМИ?

Хусайн Гуларча (Hüseyin Gülerce)  
Таржимондан: Ҳозирги кунда биз Ўзбекистондаги очиқ диктатура режими билан курашар эканмиз, бизга қардош бўлган Туркия яширин диктатурадан эркин ва адолатли жамиятга ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Туркияда матбуот эркинлиги, турли жамиятларга, партиясаларга аъзо бўлиш эркинлиги, сиёсий кураш эркинлиги етарли даражада таъминлангандир. Аммо бу эркинликлар бирданига барча ижтимоий муаммоларга чора бўлиб қолмас экан. Ушбу маънода Туркиянинг таникли зиёлиларидан бирининг мамлакат муаммоларига бағишланган долзарб мақоласини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Унда ижтимоий муаммолар ва уларнинг маънавий ечимлари ҳақида сўз боради. НН

### Нафсларни енга оламизми?

Туркияда хато кетаётган бир нарса бор. Қутблашиш (зидлашиш) ва ижтимоий таранглашиш заминидан кутула олмаёпмиз.

Сиёсат майдони бунга энг яхши мисол. “Қиламан-кила олмайсан” зидлашиши фақат ҳукумат ва муҳолифат мужодаласига хос эмас. Туркия муаммоларининг ечими учун келишиш ва диалогни танламаганимизга бир ишоратдир бу.

Олдимизда Конституцияни ишлаб чиқиш бор. Президентни халқ сайлаши муносабати билан Президентлик ва ёки ярим Президентлик тизими ҳақида баҳс мунозаралар бор. Кейин 2014 йил март ойида маҳаллий сайловлар, 2014 йил июль ойида эса президентлик сайловлари бор. Агар бир овоз, кулоқларимиз эшитишни хоҳламайдиган бир овоз, “олдимиздаги бу икки йил қутблашма, ижтимоий таранглашма ва ўзаро низола билан ўтмасин”, дея бизни огоҳлантирмасан, Аллоҳ кўрсин Туркия ўзи ўтирган шохни ўзи кесган бўлади.

Асосий масъулият мамлакат раҳбарларида, жамиятга йўл кўрсатиши керак бўлган ташкилотларда, фуқаровий жамиятларда ва оммавий ахборот воситаларидир. Ҳеч ким низолага даъват қилмаслиги, ҳеч ким ижтимоий таранглашишга, очиқ ойдин хатоларга, демократиянинг мазмунига (яъни ҳақиқий эркинлик ва адолатга НН) қатъиян зид бўлган ҳатти ҳаракатларга сессиз ва тамошабин бўлмаслиги керак.

Бу айтилганлар дарров ҳукуматга қарши сўз ва муносабат сифатида талқин қилинмасин. Ҳукумат, муҳолифат, фуқаровийлик тарафдорлари, аскарлар, маҳкамалар (судлар), оммавий ахборот воситалари ўзларига бир назар ташлашлари керак бўлади. Масала шахслар масаласи эмаслигини, ҳақиқий демократик муносабатлар, кадриятлар ва қоидаларга юз тутиш масаласи эканлигини унутмаслигимиз керак. Акс ҳолда Туркия ғалаба кучоғида мағлубиятга дучор бўлиши мумкин...

Бир зехният ислохотига эҳтиёж бор.

Бир ўзимизни ўзимиз танқид қилишимизга эҳтиёж бор. “Қаерда хато қилаёпмиз”, дея аҳволни кўздан кечиришимизга эҳтиёж бор. Аммо ҳаммасидан муҳим бўлгани нафсларимизни сўроққа тутишга эҳтиёж бор. Саҳналарда, телевидение экранларида кўп кўзга ташланмасан, “Нафслар ва кибрлар бу ўлканинг тараққиётига қанчалик таъсир қилмоқда?”, дея сўрашга ҳаммамизнинг эҳтиёжимиз бор. Хатога хато билан жавоб берилиши шартми? Тўғри мақсадда айтилмаган баёнотларга, муносабатларга ва ҳатти ҳаракатларга айна даражада эмас, эллик марта кўпроқ даражада жавоб берилиши керакми? Ҳамма танқидлар хатоми? Барча танқидчилар ёмон ниятли инсонларми? Ҳеч кимнинг эгри тарафи йўқми? Инсонлар амалга ошираётган барча ишлар тўғрими? “Эгримга эгри десанг сенинг ҳам қаддингини букаман”, тушунчаси муаммоларга ечим бўла оладими?:

Ҳа, нафслар сўроққа тутилишдан ҳам кўпроқ тарбия қилинишга муҳтождирлар. Виждон ёлғон сўзламайди. Виждонлар ўртага чиқишлари керак. Нафсларнинг қаршисига виждонни, тавозени, марҳаматни, кечиришни, ҳақиқий дўстларнинг тавсияларини чиқаришимиз керак...

Мўминлар учун Ҳазрати Пайғамбар (сав) дунё ва охира раҳбаридир. У нафс билан курашишни, бир зафардан кейин, энг катта жиҳод, дея эълон қилганди. Чунки нафсни мағлубиятга учратмасангиз, бутун зафарлар сизни ғолибликка эмас, мағлубиятга етаклайди. Инсон ўз нафсидаги муаммони ҳал қилмагунча ҳеч бир муаммони ҳал қила олмайди. Ўз муаммосига қарши кучи етмаганлар жамият муаммолари қаршисига бемажол қоладилар. Ўзларини ҳар томонга урадилар, йўлини йўқотадилар...

Аллоҳ таолонинг йўлидан юраётган мўминларнинг вазифаларидан бири ҳам Аллоҳ ва инсон орасидаги тўсиқларни олиб ташлашдан иборатдир. Лекин бундан аввал бу йўлда ўзига тўсиқлик қилаётган нарсаларни кўриши керак. Бу тўсиқ эса нафсдир. Ўз тўсиқларини бартараф қила олмаганлар, ўзгаларнинг тўсиқлари билан машғул бўла олмайдилар. Ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қоладилар, виждонларидаги нафс тўсиқларидан ўта олмай йўлда қолиб кетадилар. Чунки нафслар мағлубиятни қабул қилмайдилар. Ўз нафсларига мағлуб бўлганлар доимо тўғри сўзни айтишларига, тўғри ишни қилишларига, ҳамма пайт ҳақли эканликлари ва ҳақли чиқишларига ўзларини ишонтирадилар. Хатоларини ҳамма кўрса ҳам ўзлари бу хатоларни қабул қилмайдилар. Аксинча нафснинг батқоғида ҳаракат қилган даражада янада кўпроқ унга ботиб кетаверадилар...

Аллоҳим, бизни нафсига мағлаб бўлганлардан айлама...

Манба: zaman.com.tr  
Туркчадан таржима

## МАРДИКОРЛАР ҲАҚИДАГИ ҚОНУН КЕРАКМИ?



Ўзбекистонда янги тузилган Мустақил мардикорлар касаба уюшмаси мамлакат парламентида муурожаат қилиб, мардикорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус қонун қабул қилишга чақирган.

Уюшмага кўра, миллионлаб ўзбекистонликлар ҳеч қандай ҳуқуқсиз ва ҳимоясиз мамлакат ичкараси ва ташқарисидан, оғир шароитларда меҳнат қилишга мажбур бўлишмоқда.

Би-би-си Мустақил мардикорлар касаба уюшмасининг раиси Нуриддин Жуманиёзов билан боғланиб, нима учун мардикорлар учун махсус қонун қабул қилиниши керак, деб сўради.

[bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek)

## ИИВДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Ички Ишлари Вазирлигига топширилган шикоят бўйича, бугун 2012 йил 27 декабрь куни кундуз соат 11-30ларда, ИИВнинг фуқаролардан шикоят ва аризаларни қабул қилиш хонасида, Нуриддин Джуманиёзов ва Тиллаев Фахриддинни, Республика профлактик хизмати бошқармаси бошлиғи Жаҳонгиров Ислонбек Сайдалиевич таклиф этиб, суҳбат ўтказган. Суҳбат мардикорларнинг бармоқ изларини ИИБ томонларидан ноқонуний, мажбурий олинаётганлиги ва Ўзбекистон фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг муаммоси бўйича бўлган. Джуманиёзовнинг айтишича, ушбу норасмий учрашув танишиш мақсадида бўлган. Жаҳонгиров бу қилинаётган ишларни қўллаб-қувватлаб, ўз хайрихоҳлигини билдирган. Тўлиқ маълумот учун тел: (+998-90) 927-14-05, (+998-90) 122-45-81

**Абдилло Тожибой-ўғли.**

“Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун” жамоат бирлашмаси.

27.12.2012 й. Тошкент, Ўзбекистон.



## ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДА



Келади кетади, ойлару йиллар,  
Фарқи нима йилни, эскимми, янги?,  
Одамлар ўзича маъно изларлар,  
Тугамас ўртада, ғоялар жанги.

Битта нарса аниқ, кун ўтган сари,  
Утади бизларга, берилган имкон.  
Навбат билан, кимлар келар дунёга,  
Кимлар ажал етиб, топширади жон!

Дунёда ҳеч нарса аниқмас ҳали,  
Лекин абадиймас, ҳаёти дунё.  
Келади Ҳақиқат ғолиб маҳали,  
Унгача ҳаётинг, ҳаётмас, рӯё!

### Келар бир кун

Келар бир кун дўстим, узма умидинг,  
Бўстонлар очилар, Ўзбекистонда.  
Бу кунги синовлар, охири бордир,  
Зиндонлар очилар, Ўзбекистонда.

Ленин бўлганидан давронга “дохий”,  
Юртимизни босди, имонсиз даҳрий,  
Даҳрийлик даврида бўлган, тарихий,  
Қурбонлар очилар, Ўзбекистонда.

ИАК даҳрийлардан қолган бир  
“куйрук”,  
Буқаламундир йўқ, унда тутуриқ,  
Қанча ноқонуний жиңоят, буйруқ,  
Фармонлар очилур, Ўзбекистонда!

Албатта, Аллоҳдан нусрат, ҳидоят,  
Бордир ҳар нарсага, охир ниҳоят,  
Золим амалдорлар, қилган жиңоят,  
Пинҳонлар очилар, Ўзбекистонда.

Ҳаёт ўзи дерлар асли, “беш кунлик”,  
Бўлсин юртимизда, “беш кунлик”  
тинчлик,  
Барча дин аҳлига, эмин – эркинлик,  
Имконлар очилар, Ўзбекистонда.

Умид узма, шундай кунлар келади,  
Йиғлаганлар бир кун, албат кулади,  
Қанча нефт, олтин, Аллоҳ билади,  
Газ Конлар очилар, Ўзбекистонда.

Келар бир кун дўстим, узма умидинг,  
Бўстонлар очилар, Ўзбекистонда.

**Абутов. М.**  
28 декабр 2012 йил.

## КИМ АСЛИДА КИМ ЭДИ ЁХУД УНУТИЛГАН ТАРИХ

(2003 йил, 27 ноябр куни эфирга  
узатилган)

Бошловчи Ибрат Сафо:

Ўзбекистонда 1999 йилги Тошкент  
портлашларининг асосий гувоҳларидан  
бири Ўзбекистон МХХ ни шу порт-  
лаш режасини аввалдан билганлик ва  
унинг олдини олмаганликда айблаган.  
Тошкентдаги хибсхонада МХХ ташкил  
этган учрашув чоғида журналистларга  
гапирган Зайниддин Аскарлов, шунинг-  
дек, портлашларга муҳолифатдаги  
«Эрк» демократик партияси раиси  
Муҳаммад Солиҳнинг алоқаси борли-  
ги ҳақида бундан 4 йил аввал маҳкама  
жараёнида берган кўрсатмаларини  
катъиян рад этган.



### 26 НОЯБР КУНГИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ БОРАСИДА

#### «БИ-БИ-СИ» РАДИОСИ ТОМОНИДАН ҲОЗИРЛАНГАН ЛАВҲА

У «Эрк» раҳбарига қарши ва суд  
жараёнидаги бошқа гувоҳликларини  
маҳсус хизматларнинг босими остида  
берганини таъкидлаган. Портлашлар-  
га алоқадорликда айбланиб, 11 йилга  
озодликдан маҳрум этилган Зайнид-  
дин Аскарлов жазони ўташ жараёнида  
қийноқларга тутилганини ҳам айтган.  
Тафсилотлар билан Тошкентдан Пахла-  
вон Содик.

Пахлавон Содик:

Тошкент портлашларига  
бағишланган маҳкама жараёнидан 4  
йил ўтиб, унинг асосий ташкилот-  
чиларидан бири сифатида айбланган  
Зайниддин Аскарлов портлашларнинг  
бутунлай бошқа манзарасини чизмоқда.  
Унга кўра, Ўзбекистон МХХ портлаш  
режасидан 2-3 ой аввал хабар топган.  
1998 йилнинг ноябрида Туркменистон-  
да хибсга олинган ва УИХ нинг амири  
сифатида билинган Баҳром Абдуллаев,  
Аскарловнинг айтишича, президент Ис-  
лом Каримовга қарши суиқасд тайёрла-  
наётгани ва уни кимлар тайёрлаётгани  
ҳақида МХХ га батафсил маълумот  
беради.

Зайниддин Аскарлов:

Баҳром Абдуллаев тергов вақтида:  
Зайниддин, манга булар «вышка» бер-  
ворар ё кўйворар билмайман, лекин ўзи  
олдидан фалон куни, фалон числода  
фалончи-фалончиларга ман хабарини  
берганман, именно Йўлбарс Шералиев  
деган СНБ нинг катта офицерига хабар  
берганман, деган гапни гапираяпти.  
Бу ошқора ходимларга айтилганидан  
кейин, демак буни кутилган меҳмон  
даражасида бомбалар кутиб олинапти  
Тошкентда.

Пахлавон Содик:

Айни тафсилотларни терговда  
юзлаштрилган Баҳром Абдуллаевдан  
билганини айтган Зайниддин Аскарловга  
кўра, портлашни буюргани айтилган  
УИХ раҳбари Тохир Йўлдош аксига  
1995 йилда бедарак йўқолган ва маҳ-  
сус хизматлар ўғирлаб кетгани тахмин

килинадиган Абдували қори Мирза-  
евни кутқариш ниятидаги Муродилла  
Қазиев бошчилигида портлаш уюшти-  
раётганларни тўхташиб қолиш ҳақида  
буйруқ беради. Аскарловнинг сўзларига  
мувофиқ, Тохир Йўлдош суиқасд  
уриниши уларнинг ҳаракатига ҳалақит  
беради деб ишонган.

Зайниддин Аскарлов:

Тохир Йўлдош буларга шарт  
қўйганда шундай деганки, уларни илти-  
мос билан олиб келасан, бўлмаса зўрлаб  
олиб келасан, мабодо унамаса отиб  
ташлайсан, деган буйруқ берган Баҳром  
Абдуллаевга. Чунки буни «автомати-  
ческий» тўхташиб туриш керакки, тез  
орада Ўзбекистонда Тохирвой жиҳод  
бошламоқчи, шунинг олдини тўсиб  
қўймаслиги керак 16 феврал...

Пахлавон Содик:

Зайниддин Аскарлов портлашлар-  
да айбланган муҳолифатдаги «Эрк»  
демократик партияси раиси Муҳаммад  
Солиҳга қарши маҳкама жараёнида  
берилган кўрсатмаларини ҳам рад  
этмоқда. У айни гувоҳликларини тер-  
говнинг босими ҳамда жазони энгил-  
латиш ҳақидаги ваъдалар таъсирида  
берганлигини айтди.

Зайниддин Аскарлов:

Муҳаммад Солиҳнинг - Аллоҳга  
қасам ичиб айтаман бу гапимни, дунё-ю  
охиратда - умуман террористларга,  
террорга алоқаси йўқ ҳеч қанақа. Уму-  
ман алоқаси йўқ. Манга бўлган ваъда  
Баҳром Абдуллаев бошчилигидаги  
олтита «вышка» дагилар отилмаслиги  
эди. Отилмай, «вышка» бериб, прези-  
дент томонидан кечирим сўралишлик,  
авф қилишлик ваъда қилинган эди.  
Охири ман ваъда қилдим, бўпти ман  
рол ўйнаб берман, дедим, Муҳаммад  
Солиҳга тўхмат қилиб, 16 га алоқаси  
бор, 1 миллион 600 минг берган эди,  
Тохирга спонсор эди, деган нарсаларни  
ман йиғламираб гапириб, рол ўйнаб  
бердим.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Максадим, Бахром Абдуллаевдай қориларни асраб қолиш эди. Абдували қори акаларнинг чиқиши эди, қори акаларнинг ҳаммаси авф бўлишлиги эди, шуларнинг ҳаммаси именно. Ички ишлар министри Зокир Алматов мани чақириб, Мухаммад Солихни ёмонлаб берсанг, мана шу ролни ўйнаб берсанг, ҳаммаси авф бўлади, отилмайди булар, сангаям енгиллик бўлади, суд залидан чиқиб кетасан, дегани учун Аллоҳ шохидки, ўзимни қутқариш учун эмас, ана шуларни қутқариш учун мана шу нарсага мажбур бўлгандим ўша вақт. Лекин булар чиқарганиям йўқ, уларга «вышка»ям бериб юборди. «Вышка» бериб юборишининг сабаби улар сирни билар эди. Сирни билишлиги учун уларни йўқ қилиб юборди.

Пахлавон Содиқ:

Зайниддин Аскаронинг айтишича, Тошкент портлашларида гумон қилинган яна бир киши тергов чоғида қийноқлар натижасида ўлдирилган. Унинг ўзи жазони ижро этишнинг илк даврида шафқатсиз қийноқларга тутилганини айтди.

Зайниддин Аскаронинг:

Ман зонада 3 марта ўлимдан қолдим. Биринчиси Зангиота 64-65 да 5 кишининг оралигида шу даражада қаттиқ калтакландимки, ҳатто калима келтириб, ман шахид бўлдим деб юмалагандим. 45 кун жинни бўлиб қолиб, ўзимда ҳам бўлганим йўқ. Булар турсам, мани христиан динига ўтказди булар, бошқа қилди қийнаб. Иккинчиси, Қашқадарё 33 га кирган вақтимда Обидхон Аскаронинг укаси экан, шу даражада қаттиқ калтакланган вақтида манам ўлдим дегандим, яна бир ўлимдан қолдим. Навоий-46 да уриб қовурғалар синдирилганда яна бир ўлимдан қолдим. 61 да Абдусалом Рахматов деган майор начальник опер. частни қилган зулмида, уни ман айтишга уялман, ман энди ўлдим энди, қайтиб ҳаёт йўқ деб, ҳатто ўзимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим ўша вақтда.

Пахлавон Содиқ:

32 ёшли Зайниддин Аскаронинг Тошкент портлашларига бағишланган маҳкама жараёнида ўзининг зиддиятли кўрсатмалари билан танилган. Тошкент портлашлари борасидаги расмий тахмин кўп жиҳатдан айнан тергов ва маҳкама билан фаол ҳамкорлик қилган Зайниддин Аскаронинг кўрсатмалари асосига қурилгани айтилади. Унинг кеча Тошкентдаги ҳибсхонада берган кўрсатмалари эса ушбу тахминларни бутунлай йўққа чиқаради. Махбус билан учрашувни ташкил этган МХХ вакилларига кўра Зайниддин Аскаронинг интернет саҳифаларида пайдо бўлган Мухаммад Солихнинг портлашларга алоқаси йўқлиги ҳақида махбусга суяниб келтирилган даъволарни рад этиши керак эди, холос. Улар Аскаронинг сўнгги иддиолари ўзлари учун қутилмаган бўлганини айтишмоқда.

МХХ вакили Зайниддин Аскаронинг махбус хизматлар портлашни олдиндан билгани ҳақидаги даъволарни бутунлай рад этди. Бунга қадар ўзбек муҳолифати Тошкент портлашларига махбус хизматларнинг ўзи алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фаразни илгари суриб келган. Аммо бундай тахмин портлашнинг асосий гувоҳларидан бирининг тилидан илк бор янграётди. Бундан 4 йил муқаддам Тошкентда содир бўлган портлашлар чоғида 16 киши ҳалок бўлган ва портлашлар билан боғлиқ тергов жараёнилари жараёнида юзлаб кишилар ҳибсга олинган эди.

Ибрат Сафо:

Лавҳада айтилгани каби Ўзбекистон МХХ Зайниддин Аскаронинг махбус хизматлар портлашни олдиндан билгани ҳақидаги даъволарини рад этган. МХХ вакили, подполковник Равшан Абдуллахонов Зайниддин Аскаронинг жазони ўташ чоғида бир муддат руҳий шифохонада бўлгани, эҳтимол ҳанузгача руҳий бетоб бўлиши мумкинлигини айтган. У шунингдек, Мухаммад Солихнинг портлашларга алоқадорлиги борасида етарли далилларга эга эканликларини урғулаган. Мана подполковник Абдуллахонов шарҳи.

Равшан Абдуллахонов:

Дунёда ҳозир терроризмга қарши бутун дунё жамоатчилиги ҳозир шу билан курашаётди. Ўзиз ўйлаб кўринг, агар ҳар битта ҳуқук-гартибот органи агар шундай теракт бўлмоқчи деган бўлса, олдини олишга нима деб ўйлайсиз ўзиз, ҳаракат қилган бўлармиди, олдини олган бўлармиди ё қурбонлар бўлиб кетаверган бўлармиди? Зайниддин Аскаронинг ҳозирги кунда ўзининг гапи бўйича руҳий касалдан, деб айтган гапи бўйича келадиган бўлса, унга тўғри баҳо бериш деб ўйлайман радиотингловчилар томонидан. Энди Аскаронинг интервьюсини ман ўзим охиригача эшитганим йўқ. Лекин гапирганда 17 марта Мадаминов Салай билан учрашган Тохир Йўлдош деган гапни оладиган бўлсак, бу ҳам қанақадир тасдиғини топади. Агар Мадаминов Салай ҳақиқатдан ҳам биринчи гал учрашувнинг ўзида ман қайтдим, ман бу Тохир Йўлдош, бошқалар, Ислоҳ давлати кўраман деб ҳаракатидан ман воз кечганман деган гап бўладиган бўлса, 17 марта учрашишнинг ўзи шартмиди?

Ибрат Сафо:

МХХ вакили мухбиримиз билан суҳбат чоғида Мухаммад Солих билан ЎИХ воизи сифатида билинган Зубайр ибн Абдурахмоннинг телефон сўзлашуви экани айтилган аудио ёзувни ҳам намойиш этган. Мухаммад Солихнинг овози жуда ҳам паст ёзилган ўша аудиотасмада. МХХ вакилига кўра, «Эрк» партияси раҳбарининг портлашларга алоқадорлигининг далили бу. Аудиотасмани тингланг:

- Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ!  
- Ва алайкумуссалом ва раҳматуллоҳ!

- Хорманг, ишлариз яхшими?  
- Ҳа, яхши. Ўзиз қалайсиз?  
- Алҳамдуллилаҳ. Уйлар, болачақалар яхшими?  
- Соғлиқ қалай, соғлиқ?  
- Яхши, яхши, соғлиқ, ҳаммаси яхши.

- Ҳа, бу нималар бўляпти, бу расмларни суд қилаяпти. Ўшанга ман айтдим, бу расмимиз бир жойда суд бўвотганаканмиз, бир-икки оғиз гаплашиб олай дедим. бу.

- ... яхши бўларди.

- Яқинда ўзини суд қиламиз. Яқинда, иншоаллоҳ. Узок эмас у. Биз ўзини суд қиламиз, иншоаллоҳ яқинда. Лекин у шаръий суд бўлади, иншоаллоҳ. Шаръий маҳкама бўлади, иншоаллоҳ.

- Иншоаллоҳ.

Ибрат Сафо:

Ўзбекистон хавфсизлик хизматининг 1999 йилги Тошкентдаги портлашларга алоқаси далолати сифатида эшиттирган тасмаси эди. Бугун биз аудиотасмани «Эрк» партияси раҳбари Мухаммад Солихга эшиттирдик ва бу борада унинг фикрини сўрадик.

Мухаммад Солих:

Биринчидан, ҳукуматнинг менга қарши ўша маҳкамадаям ҳеч қандай далили бўлмаган. Бугун ҳам ҳеч қандай далили йўқ ва ҳозирги менга эшиттирилган бу суҳбат деб аталган нарсада фақат битта томоннинг овозини мен эшитдим, иккинчи томоннинг овози умуман йўқ. Агар шуни яна далил деб чиқараётган бўлса, ҳукумат ҳақиқатан фожеавий бир аҳволда, далилсиз қолган менга қарши. Мен ҳеч қанақа Зубайр билан бунақа гапни гаплашишим мумкин эмас. Гаплашган бўлсам, мен доим фикрини аниқ айтадиган одамман. Ҳеч қачон мен фикрини яширадиган одам эмасман.

Ибрат Сафо:

Демак, айтмоқчисизки, ЎИХ вакиллари билан телефон орқали сиз ҳеч қандай суҳбатлар олиб бормагансиз?

Мухаммад Солих:

Йўқ. Ҳеч қачон мен суҳбатлар олиб бормаганман. Яъни менга жуда кўп одамлар телефон қилган, ҳамдардлик билдирган.

Ибрат Сафо:

Ва улар билан ҳеч қандай муносабатингиз бўлмаганми?

Мухаммад Солих:

Йўқ, муносабатимиз Тохир Йўлдошев билан бўлган. 97 йилда масалан кўришганмиз, Истамбулда. Ва мен бунга ўша портлашлар бўлгандан кейинок айтганман. Аммо муносабатларимиз Ўзбекистон ҳукумати айтаётгандек ўша келишув ва нима дейди, уларнинг айтганидек пул топиб бериш.. сиёсий ҳаракат қилиш деган гаплар ҳеч қачон бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бизнинг ҳаракатларимиз табиати билан, ўзининг характери билан мутлақо бошқа ҳаракатлардир.

## ИРСИЙ АЪЗОЛАРНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ

### Простата беги касалликлари

Простата беги касалликлари 3 синфга бўлинади:

Простатанинг юқумли (инфекцияли) ёки юқумсиз (инфекциясиз) яллиғланиши (простатит),

Простатанинг ижобий катталаниши  
Простата саратони (раки)

Охириги 3-4 йилда балоғат ёшига етмаган ўғил болаларнинг учдан бирида простата тўқималарининг ривожланиши турли даражаларда орқага кетаётгани, ёш эркекларда эса бу тўқималарнинг айна шаклда ўзгаришга учраётгани кузатиламоқда.

Демак, биз янги ва турли муаммоларга дуч келямиз, аммо уларни англаб етолмаймиз. (“GMO” бўлимига қаранг.)

Ўткир инфекцияли простатит гонокларга боғлиқ бўлаолиши каби (белнинг совуқлиги) асосан оддий инфекцияга боғлиқдир.

Простата ҳар қандай ёшда (пайтда) юзага келаоладиган, аммо кўпинча ёшларда учрайдиган касаллик. Унда кичик ҳолатга чиқиш ҳар 10 дақиқада бир маротаба бўлиши мумкин, сийдик йўллари кизиши ва оғриқли сийиш энг кўп ўйлабдиган белгилар. Ўткир инфекцияли простатит ушбу касалликнинг такрорланишига, сурункали тус олишига ва простата безининг катталашуви сабаб бўлиши мумкин.

### Сурункали простатит

Сурункали простатит ўткир простатитдан кейин ёки гени ўзгартирилган кимёвий қўшимчали моддалар ва қўшимча моддали (баданни парвариш-лаш) маҳсулотларни ишлатиш натижасида юзага келади.

Сурункали простатитда; белнинг совуқ тортиши, оғриши, манийнинг (сперманинг) камайиши ва қуоқлашиши, маний (сперма) чиқариш сони ва ҳаракатининг камайиши, мажруҳланиши (майбл-лаш), сийдик йўллари кизиши ва кизиши, сийдик йўллари тикилиши натижасида сийишда қийналиш, сийдик билан бирга йиринг келиши ва бош оғриғи каби белгилардан бир қанчаси ёки ҳаммаси кузатилиши мумкин.

### Простатанинг катталашуви

Белгилари: кечалари тез-тез кичик ҳолатга чиқиш, қийналиб сийиш, сийгандан сўнг қовуқда сийдик қолиб кетганлик ҳисси, сийдик тута олмаслик ва сийдик томиши. Ёшлик давларида ҳам бошлана оладиган простата катталашуви 50 ёшдан ошган ҳар икки эркекнинг бирида учрайди.

Простатанинг катталашуви ҳамма эркекда ҳам шикоят туғдирмаслиги мумкин. Аммо простата сия олмайдиган ҳолга келтирилганда, буйракларда кенгайиш бошланганда кишилар жарроҳлик столига ётмоқдалар.

Дунёда простатанинг жарроҳлик амалиётлари 90% ҳолларда ёпиқ, 10% ҳолларда очик шаклда қилинади. Жарроҳик амалиётининг - икки хили ҳам - амалга ошгач, қуйидаги муаммонинг

юзага келиш эҳтимоли катта: эркекларда жинсий алоқа пайти маний (сперма) ташқарига чиқмайди, қовуққа келади ва ташқарига фақат сийдик йўли билан чиқади. Мазкур муаммо ёпиқ жарроҳлик амалиётларининг 50% дан сўнг, очик жарроҳлик амалиётларининг эса 80% дан сўнг юзага келиши мумкин.

Охириги йилларда бу борада “greenlight” (“яшил нур”) жарроҳлик амалиётлари қўлланилмоқда. “Greenlight” - лазер нури ёрдамида амалга ошириладиган жарроҳлик амалиёти бўлиб, унда катталашган простатанинг тўқимаси юқсак энергия ёрдамида буғлантирилади. (“ДНКдаги ўзгаришлар” бўлимига қаранг.)

Бемор Аҳмад С., 64 ёшда, Истанбул, тадбиркор ҳикоя қилади:

Мен 1999 йилда бир йил простата давосини олдим, аммо шифо топа олмадим. Ойдин хонимнинг овқатланиш тавсияларига риоя этиб, ҳамда очлик, хожамот ва зулук воситасида шифо топдим.

2008, май

### Простата саратони (раки)

Простатанинг катталаниши саратон хавфига эга ва простата саратони тобора кенг тарқалмоқда. Простата безининг катталаниши туфайли амалга ошириладиган жарроҳлик амалиёти саратон хатарини камайтирмайди.

Бугунги кунда беморларнинг талабига кўра, саратоннинг олдини олиш учун бепуштлишув натижасида, яъни эркеклик безларининг олиб ташланиши натижасида, эркеклик гормони умуман йўқ қилиб юборилмоқда.

Албатта, бу ҳолда простата катталашуви ҳам, простата саратони ҳам бўлмайди. Аммо нафақат динимизда, балки дунёвий қонунларга кўра ҳам инсонни, ҳайвонни пуштсиз қилиш таъқиқланган ва бу касалликни даволаш усули эмас.

30 йилдир, кимёвий моддали маҳсулотлар туфайли ва 15 йилдир GMO маҳсулотлари ва GMO қўшимча моддалари туфайли, аёл ва эркекларнинг жинсий аъзолари жиддий ўзгаришларга дучор бўлмоқда.

Масалан, парабенлар, диоксин ва фталатлар тиш пастасининг таркибида ва шампун, крем, сокол олиш кўпиги, соч желеси каби маҳсулотлар таркибида муҳофаза қилувчи модда сифатида ишлатилмоқда. Мазкур қўшимча моддалар остроген гормонига тақлид қилиб тайёрланган.

Эркек киши вужудида тўпланган бу қўшимча моддалар андроген гормонини озайтиради, аёллар касаллиги бўлган эндометриозни, манийнинг (сперманинг) ўлишини, бепуштлиқни, жуфтжинсийликни (бир одамнинг ҳам эркек, ҳам аёл жинсларига мансублигини) ва простата саратонини келтириб чиқаради. (“GMO”, “Эндометриоз” ва “Қўшимча моддалар” бўлимига қаранг.)

Аризона университетиде жуфтжинс эркек қўйларнинг миясига электродлар жойлаштириб, жуфтжинсийлик сабаби ўрганилган ва бу қўйларда гормонал мувозанатнинг бузилиши аниқланган.

Мияга инъекция (укол) қилинган гормонлар натижасида эса, олдин жуфтжинс бўлган эркек қўйлар яна урғочи қўйлар билан жуфтлашишга бошлаганлар.

Мутахассислар бу ҳолат инсонларга ҳам ўтиши мумкинлигини ва болаларнинг жуфтжинс бўлишининг олдини олиш мумкинлигини ўзларича мамнуният билан гапирмоқдалар. (“Экологик қиёмат” бўлимига қаранг.)

Ҳолбуки, Гормонал мувозанат гормонларни ташқаридан мустаҳкамлаш билан эмас, табиий йўллар билан янгидан тикланиши мумкин.

Инсонларда, ҳайвонларда касалланишларнинг сабаби сунъий озикланиш экан, касалликлардан довланиш ҳам озикланиши тартибга солиш билан амалга оширилиши мумкин.

Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шу: гормонал ва руҳий мувозанатни бузадиган қўшимчали моддаларни истъомол қилишни тўхтатиб, табиий озикланишга ўтиш керак.

### Эркекларда бепуштлиқ

Олимлар кунга 3 финжон қаҳва ичган эркекнинг, ёшидан қатъий назар, сперма ҳужайраларининг ДНКсида аниқ генетик ўзгаришлар рўй беришини топганлар.

Бу бузилиш эса эмбрион ўлимига ёки чақалоқларнинг генетик (ирсий) жихатдан касал туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бизнингча, кофеин алоҳида ўзи бундай хавф туғдира олмайди. Бу хатарнинг сабабчиси - қаҳвадаги қўшимча моддаларнинг кофеин билан синергизмга кириши, яъни икки модда бирлашиб, таъсирларини бир неча марта кўпайтиришидир.

Қаҳва этикеткасида қаҳвадаги қўшимча моддалар жуда қисқа кўрсатилмоқда: бузилишдан сақловчилар, таъм берувчилар ва сунъий хушбўй хидлар.

Бу қаҳвани ишлаб чиқарувчилар бу кўрсатилган моддаларнинг мингларча хилидан нечтаси ва қайсисининг қўлланилганлигини ёзишни ўзларига эп ҳам кўришмайди!

Бирок, шу нарса маълум-ки, барча сунъий хушбўй хид берувчилар ген технологияси ва нанотехнология ёрдамида ишлаб чиқарилади; улар инсоннинг гормонлар тизимини ва руҳий мувозанатини тўғридан-тўғри задалайди.

Шу сабабдан қаҳвада қўшимча модда сифатида фақат сунъий хушбўй хидлар қўлланилса, уларнинг ўзи бепуштлиқ ёки жуфтжинсийликка (бир одамнинг ҳам эркек, ҳам аёл бўлишига) сабабчи бўлиши мумкин.

Сақловчи моддалар ҳам тўғридан-тўғри бепуштлиқни келтириб чиқариши мумкин. (“Сунъий хушбўй хидлар” ва “Қўшимча моддалар” бўлимига қаранг.)

Олмониялик тадқиқотчи, доктор Грегор Доумес ва унинг илмий гуруҳи аёлларда табиий равишда мавжуд окситоцин гормонига тақлид қилиб яратилган синтетик окситоцин гормонини эркекларнинг бурнига юбориш воситасида эркеклар аёллар каби ҳис-туйғуларга эга бўлишини кашф қилганлар.

(Давоми кейинги саҳифада)

## БУЙРАК ВА СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу гормонни ҳидлаган кишиларда ҳамдардлик туйғуси ривожланмоқда, эркалар - аёлларнинг туйғуларини, кексалар - ёшларнинг туйғуларини ҳис этмоқдалар.

Бунинг учун доктор Доумес аёлларнинг эркаларга, ёшларнинг эса оталарига окситоцин спрейини (чангитгичини) ҳади килишни тавсия қилмоқда.

Юзаки қараганда, бу бир ҳазилга ўхшайди, фақат бунинг негизда жуда чуқур ва катта хатар яширинган.

Балки, доктор Доумес билмаслиги мумкин, аммо, унинг орқасида турган кишиларнинг мақсади аниқ: бу мақсад ёшларни бепушт қилиш, эркаларни аёллаштириб, уларнинг ДНКсида теран ўзгартиришлар ясадан иборатдир.

Афсуски, доктор Доумеснинг бу ғаройиб ҳидларини фақат бурунга бермайдилар, бу ҳидларни бугун совун, тозаловчи моддалар, шампун, кремлар ва ҳақозо вужуд тарбияси маҳсулотларининг таркибига киритиб, ишлаб-чиқаришга қўймоқдалар.

Эркаларнинг, тор шим кийиши, иш жойида давомли равишда стулда ўтириб ишлаши, лаптоп компьютерни тиззаларига қўйиб ишлашлари, жинсий аъзоларида ҳарорат ортиши сабабли қисирлик ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Аммо эркак спермаси ҳужайраларига энг қаттиқ зарба берадиган нарсалар - бадани парваришлаш маҳсулотлари ва озукларда мавжуд бўлган, жинслар ўртасидаги фарқни йўқотадиган сунъий хушбўй ҳидлар, диоксин, ва фталатлар каби қўшимча моддалар ва антидепрессантлардир. (“Эндометриоз” бўлимига қаранг.)

### Даво

Бундай ҳолатдаги беморлар энг аввало озикланиш одатини тартибга солишлари ва ошқозон-ичак давосини амалга оширишлари керак. Тартибли равишда қон олдиришлари ва қон олдиришлар орасида жигар ҳамда буйрақларини тозалашлари керак. Кейинроқ эса 3 кунлик очликларни 7 кунлик танаффуслар билан 14 марта, бир ойдан сўнгра 10 кун очлик қилишлари керак. (“Очлик билан даволаш” бўлимига қаранг.)

Очликлар орасидаги 7 кун давомида пешингача:

150 гр. қизил лавлаги суви + 50 гр. пиёз суви + 50 гр. сув аралашмаси ёки


Тенг миқдорларда сабзи суви + қизил лавлаги суви + пиёз суви + сув аралашмасини ичганлар мукамал натижаларга эришадилар.

Сабзавот сувининг аралашмасини ичганда “О” қон гуруҳига мансуб бўлган кишилар нон, макарон каби бугдой маҳсулотларини қатъиян емасликлари керак ва барча қон гуруҳларига мансуб кишилар бадани парваришлаш маҳсулотлар ва тиббий дорилардан, тайёр таом ва ичимликлардан бутунлай воз кечишлари керак.

### Хожамот (қон олдириш):

Курак ораси ва пасти; • Бош орқаси; • Бел ва думғаза; • Тиззалар .

Хожамотлар яхшиланишни тезлашти-



ради. Дастлабки икки хожамот 3 кунлик, кейинги икки хожамот 1 ҳафталик танаффус билан, кейин эса заруриятга қараб қилинади.

**Зулук давоси**  
хожамот тугагандан 1 ойдан кейин қилинади: Киндикдан пастки қисмлар

(қосиқлар)га ва юмурталарга (мойяқларга); • Жинсий аъзо ва анус орасига ва анусга; • Бел ва думғазага; • Оёқларга (оёқ бармоқлари ва болдирларига, тўпикларнинг ички ва ташқи қисмларига).

Бу тартиб билан жами 4 марта 14-20 кунлик танаффуслар билан оёқларга 14-21, қолган жойларга 9-11 донадан зулук қўйилади. Зулуклар тушгандан кейин улар чаккан нукталарга банка қўйиш шарт. (“Қон олдириш”, “Банка қўйиш”, “Зулук давоси” бўлимига қаранг.)

### Дорилар:

4 ҳафта давомида ҳар куни эрталаб 1 чой қошиқ янги майдаланган седана + 1/3 чой қошиқ туйилган мўррисафий асал сиропи билан ичилади.

3 ой давомида қиска танаффуслар билан ҳар куни кечкурун белга, киндикнинг пастига (қосиққа) ва эркалик безларининг (мойяқларнинг) пастига седана ёғи ёки аччиқ қовун суви билан доира шаклида яхшилаб массаж қилинади.

Данаклари билан биргаликда янги майдаланган 100 гр. Тиканли акация меваси (Эчкишохи)нинг қириндиси + 3 бош майдаланган саримсоқ етарли миқдорда асал билан йўғрилади ва ҳар куни кечкурун 1 ош қошиқ ейилади. Бу муолажа седана дориси тугагандан кейин бошланади ва қиска танаффуслар билан 3 ой давомида қилинади.

1 ош қошиқ арпабодиён 1 стакан қайноқ сув билан 15 дақиқа дамланади ва сузилиб, иккига бўлинади. Қунига икки марта, ярим стакандан ичилади.

Баҳорда янги ўрмон ёнғоғи барглари тўпланиб, қуритилади. 1 ош қошиқ эзилган барг 1 стакан қайноқ сув билан дамланиб, кун давомида оч қоринга 2-3 мартада ичиб тугатилади. 2 ҳафта ўрмон ёнғоғи баргининг чойи ва 2 ҳафта арпабодиён чойи галма-гал ичилади.

1 ош қошиқ зиғир уруғи иссиқ ёки совуқ сув билан аралаштирилиб, юзига мато тортилади ва 1-2 соат кутгач, қунига 1 марта уруғлари билан бирга ичилади. Бу муолажа 1-2 ой давомида қилинса, простата шиши қайтади.

Эслатма: зиғир уруғи майдаланмасдан ёки ҳар сафар янгидан майдаланиб, истеъмол қилинади! Майдаланган зиғир уруғи кўп сув билан ютилиши керак!

Ҳар куни 3 дона аччиқ бодом 3-5 дона ширин бодом билан бирга ейилади. Ҳар бир дорини қабул қилганда вақти-вақти билан танаффуслар берилади, фақат аччиқ бодом ойлари давомида, танаффус қилмасдан истеъмол қилиниши мумкин.

Пиёз, помидор овқат сифатида ейилади. Пиёз саратоннинг (ракнинг) барча турларини олдини олиш, помидор эса хусусан простата саратонининг (ракиннинг) олдини олиш хусусиятига эга. Фақат кимёвий моддалар ишлатиб етиштирилган ва трансген помидор эмас, табиий помидор шифолидир.

Қоразирворлардан зира, жамбул, заъфарон ва занжабил қўлланилади.

Ерда ўтириш керак, курсида ўтирмастик керак; иш жойида ҳам имкон қадар курсидан фойдаланмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Простата беморлари мисвок ишлатишлари керак. Мисвокнинг учи сув билан эмас, тупук билан намланади ва олдинги тишлар ёрдамида юмшатилиб, шётка ҳолига келтирилади. Қунига 5 марта 1,5-2 дақиқалик муддатлар билан милклар ва тишлар мисвокланади. Бу муолажа камида 40 кун давомида қилиниши лозим. Олddaги пастки тишлар ва милкларнинг аҳволи прстатанинг аҳволини кўрсатади. Бу тишларни ва милкларини мисвоклаш простатада энергия айланишини осонлаштиради. Милклар тугалганда простата ҳам тугалади.

Ёш эркалар жигарини тозалагач, 10 кунлик очлик қилишлари керак. 10 кунлик очлик бу касалликдан тамоман қутулишнинг, сперма миқдорини оширишнинг энг ишончли йўлидир.

Простата саратонини даволашни ўрганиш учун “Саратон (рак)” бўлимига қаранг.

### Эркалик безларида (мойяқларда) варикоз ва шишлар

Бир ҳафта давомида ҳар куни кечкурун майдаланган дуккакли ўсимликлардан бири (русчада: бобы)нинг уни зайтун ёғи билан йўғрилади, ёғли қоғозга суртилди ва эркалик безларига (мойяқларга) қўйилади. Мато билан мустаҳкамланиб, эрталабгача қўйилади.

Ҳар куни эрталаб аччиқ қовун суви билан эркалик безлари ўралади ёки массаж қилинади.

Эркалик безларига ва киндикдан пастига (қосиқларга) 11 дона зулук қўйилади. 14 кундан кейин анусга 11 дона зулук қўйилади.

Бу муолажалар билан биргаликда 3 кунлик очликлар 7 кунлик танаффуслар билан 13-17 марта қилинади ва зулук даволаш 4 ҳафталик танаффус билан 2-5 марта такрорланади. Зулуклар тушгандан кейин кесикларга банка қўйилади (эркалик безлари (мойяқлар) мустасно).

### Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми кейинги сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**